

турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқини ва амалга ошириши.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиши;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр ҳужалиғи объектларида авариявий ҳолатларни олдин олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар куриш зарур бўлганда истеъмолчини огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш курилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича маъсублик бўлиниши чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиғи объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиғи объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқини, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.